

March, 5th 2022

LEGAL BASIS OF REGULATING THE ACTIVITIES OF THE NATIONAL GUARD OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Haydarov Alisher Usmon oglu

Jamoat of the Republic of Uzbekistan

Security University

Independent researcher

Abstract: This article analyzes the role of the constitution in the formation of the National Guard, in particular, the legal framework for regulating the activities of this structure. The legal basis for the activities of the National Guard in maintaining public order, the role of the Constitution in the implementation of the Law of the Republic of Uzbekistan on the Defense Doctrine. In addition, the author's proposals to perform duties in accordance with the laws and resolutions of the Republic of Uzbekistan were put forward.

Keywords: Armed Forces, Defense System, Defense Doctrine, National Guard, Serviceman, Law, Lawyer, Constitution, Patriotism, Patriotism, Sense of Law, Legal Document, Legal Culture, Security and Organizational Staff

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ҳайдаров Алишер Усмон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

хавфизлиги университети

Мустақил изланувчи

Аннотация: мазкур мақолада Миллий гвардия шаклланишида конституциянинг тутган ўрни, хусусан мазкур тузулма фаолиятини тартибга солишинг ҳуқуқий асослари таҳлил этилган. Миллий гвардиянинг жамоат тартибини муҳофаза қилишдаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисидаги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилишда конституциянинг роли ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қонунлар ва қарорларига мувофиқ вазифаларни бажаришга доир муаллиф таклифлари илгари сурилган.

Калит сўзлар: Куролли Кучлар, Мудофаа тизими, Мудофаа доктринаси, Миллий гвардия, Харбий хизматчи, Қонун, Қонун ҳимоячиси, Конституция, Ватанпарварлик, Ватанпарварлик туйғуси, Ҳуқуқий хужжат, Ҳуқуқий маданият, Хавфизликни таъминлаш ва ташкилий штат тузилмалари

Ўзбекистон замонавий босқичда тараққиётининг янги даври, янги босқичига қадам қўйиб, ўзининг юксак мақсад ва фоялари асосида буюк келажаги сари стратегик йўлидан изчил ва янада фаол ривожланишни давом эттироқда. Давлатимиз Куролли Кучлар соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар миллий армиямиз қурдатини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда унинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилаётгани мамлакатимизда ҳарбий-сиёсий фаолиятга устувор аҳамият қаратилаётганинг ифодасидир.

Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами муносабати билан йўллаган табригида таъкидлаганидек “мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кучли эътибор қаратишимиз зарур. “Қонун – устувор, жиноятга – жазо муқаррар” деган конституциявий

тамойилни амалда таъминлаш учун хукуқ-тартибот идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.” [9].

2018 йил 10 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хавфсизлик кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миллий гвардияга жамоат тартиби ва хавфсизлигини саклаш каби муҳим топшириқлар белгилаб берилганлиги хусусида тўхталиб ўтди. Жумладан “Маълумки, - деди Президентимиз, - бугунги кунда биз “Хавфсиз шаҳар – хавфсиз мамлакат” концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Шу муносабат билан мана шу янги тузилма, яъни, Миллий гвардия ташкил этилди. Энди бундан буён ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини саклаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия масъул ва жавобгар этиб белгиланади. Бу вазифаларни бажариш учун Миллий гвардия жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради[1].

Қисқа вақт ичиди Миллий гвардия мамлакат хавфсизлигини таъминлаш тизимидағи муҳим бўғинга айланди ва Қуролли Кучлар таркибий қисмлари билан яқин ҳамкорлик ўrnата олди. Бугунги кунда Миллий гвардия томонидан қўшинлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, хуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисида»ги қонун (7 боб ва 54 моддадан иборат), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йилнинг 12 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2019 йилнинг 14 декабрда маъқулланган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилнинг 18 ноябр[1]да имзоланган (№ЎРҚ-647).

Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисидаги Қонунга кўра: – Миллий гвардиянинг хуқуқий мақоми, асосий вазифалари, хуқуқ ва мажбуриятлари, унинг таркиби ва фаолиятини ташкиллаштириш тартиби, ҳарбий хизматни (хизматни) ўташ тартиби ва шартлари; – Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус куч ва воситаларни, ўқотар қуролни қўллаш, улар томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш, шахсий таркибни хуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби белгиланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Миллий гвардияни ташкил этишнинг хуқуқий асослари – 1991 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда ҳам белгиланган. Жумладан, мазкур қонуннинг 6-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси – Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга»лиги белгилангани бу – Миллий гвардиянинг давлат учун зарур бўлган ҳарбий ташкилот эканлигидан далолат беради[3].

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёвнинг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген оғатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-харакатлар инсон қадри учун” деган устувор гоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXVII бобида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг хуқуқий мақомини белгилаб қўйилганидек Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида амалга оширилган ишлар жумладан, “Мудофаа докторинаси”да белгилаб

қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш учун барчамиз биргаликда уларни сўзсиз бажариш, Ватан тақдирни ва келажаги, халқимиз бахти ва камоли йўлида бор ақл-заковат, билим ва тажрибамизни, садоқатимизни сафарбар этишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz);
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган енг олий баҳодир. 2- жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 147-175 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган енг олий баҳодир. 2- жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 143 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган енг олий баҳодир. 2- жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 150 б.